

ЮЗИ ОФТОБДАЙ ОЛИМА

Инсон умри давомида яхшиликлар киларкан, бундан кунгли таскин топади, ҳаётга бўлган муҳаббати янада ошади. Инобат Ширинова ҳам одамларга яхшиликлар қилишни севади. Мухими, у талабаларга тулақонли илм беришни, жамиятга сифатли ва илмли муаллимлар етказиб беришни умридаги энг улуг яхшиликлардан деб билади. Қолаверса, инсон уз жисмини билса, уни майда хужайраларигача тушиниб, “ўкий” олса, имкониятларини чамалайди. Олима мурувватпеша ҳамдир.

У узининг “Умумий гисталогиядан машгулотлар учун” “ўқув қўлланмасини Гулистон давлат университетининг кутубхонасига, шунингдек, яна бошқа китобларини Республика Эндокринология илмий-текшириш институтига, Ўзбекистон Миллий кутубхонасига, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига, Ўзбекистон Республикаси “Медицина” кутубхонасига, Сирдарё педагогика коллежига совга қилган. Жумладан, Сирдарё туман болалар поликлиникасига замонавий тиббиёт асбобларини тортиқ қилгани ҳам диққатга моликдир. Сирдарё шаҳридаги “Мурувват” уйига, қишлоғидаги қабристон ободончилигига, уз тугилиб ўсган қишлоқ кўчаларини текислашга амалий кўмак берган. У бундай хайрли ишларни кўп қилади, аммо мактанишни, мана мен қилдим деб керилишни ёқтирмайди.

– Бу кадрдон даргоҳда, яъни университетда 42 йилдан буён ишлаб келаяпман, – дейди оддийгина тарзда Гулистон давлат университети кафедра доценти, биология фанлари доктори, доцент Инобат Ширинова. – Бу йиллар орасида қанчадан-қанча ўзгаришлар бўлмади, дейсиз. Ҳаётимдаги унутилмас воқеалардан бири, мустақиллик айёмининг 10 йиллиги тадбирларида Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджоновнинг олийгоҳга ташрифидир. Ўзбек миллий театри, киносига ўзига хос мактаб яратган тарихий санъаткорнинг суҳбатидан баҳраманд бўлганим, ёнма-ён суҳбатлашганим ҳамон мени тўлқинлантиради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ёшларга кўрсатаётган эътибори, тил эгаллашга, илм олишга рағбатлантириши мени доим катта мақсадлар сари ундайди. Давлат раҳбари сенга илм олиш учун, истеъдодинг юзага чиқиши учун ҳамма имкониятларни яратиб, мақсад сари қани олға, деб турса бу не бахт. Шу маънода талабаларга доим жаннатмакон юртимиздан фахрланиш ҳиссини

сингдираман, аждодларимизга муносиб ворис бўлишга рағбатлантираман. Бизнинг улуг аждодларимиз, боболаримиз фанга, адабиётга, санъатга, дунёвий илм оламига жуда катта ҳисса қўшган улуглардир. Уларнинг руҳини шод этиш, эзгу ниятли ишларини амалга ошириш, янгиликлар яратиш бизнинг фарзандлик бурчимиз, шарафимиздир. Биргина Гулистон давлат университетини олиб қарайдиган бўлсак, мана-ман деган мамлакатларникидан қолишмайдиган АРМлар ташкил қилиниб, илм эгаллаш учун замонавий техникалар, асбоб-ускуналар келтирилган. Дарслар компьютер технологиялари асосида ўтказилади, интернетсиз ҳаётни тасаввур этиш қийин. Ёшлардан талаб қилинадигани ўқиш, чуқурроқ билим эгаллаш, иқтидори даражасида фан оламига меҳр қўйиш ва изланишлар олиб бориш...

Биология фанлари доктори, доцент Инобат Широнова 2021 йилда Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги эсдалик кўкрак нишони билан тақдирланди. Уша кунги тантанада унинг кўнглидан жуда кўп нарсалар кечди. Меҳнат қилган инсон ҳеч қачон кам бўлмаслигини юракдан англади. Мана шу хурсандчиликларини, эришган ютуқларини, фан доктори даражасига етганини, давлатимиз томонидан муносиб тақдирланганини ота-онаси куришини жуда-жуда истади. Ота-онасининг олтинга тенг дуоларини олиб кам бўлмаганидан, дуолари ижобат бўлаётганидан боши осмонга етгудек севинди. Қувонч кўз ёшларини артаркан, чекка бир кишлоқдан катта шаҳарларга, улкан мақсадлар сари йўлга чиққанидан фахрланди ва фан оламида ўзига хос мактаб яратиш ҳисси вужудини чулғаб олди. Бу эса ҳамма ҳавас қилаоладиган бебаҳо тўйгу, бу тўйгунинг зиёлилар, элга меҳри баланд, яхшиликка юз тутганларгина яхшироқ ҳис этадилар...

Унинг уй тўридан жой олган канчадан-канча Фахрий ёрликлар, нуфузли идораларнинг Ташаккурномалари, шогирдларининг миннатдорчилик дастхатлари буларни кўрганида илм йўлидаги меҳнатининг самарасини юракдан ҳис қилади, кўнгли ёришади.

Бугунги кунда Инобат Широнованинг Республика Эндокринология илмий-текшириш институтида “Повышение резистентности организма антигипоксантами: структурно-метаболические механизмы”, “Овқатланиш физиологияси” номли илмий китоблари дарслик сифатида кенг қўлланилмоқда. Фан докторининг оддий кишлоқ мактабида ўқиб, рус тилида илмий ишлар ёклаши ҳар қандай кишининг ҳайратини оширади, ҳаваси келади.

Бир аёлга инъом этилган тукис бахту саодат, эл эъзоси, дусту ёрлар муҳаббати шу эмасми аслида. Биз ҳам мана шундай замондошларимиз билан ҳамиша фахрланамиз, уларнинг борлигига шукроналар айтамыз.

Ўзбекистон Халқ шоири Махмуд Тоирнинг ушбу шеъри айнан бизнинг қаҳрамонимизга қарата айтилгандек жаранглайди:

*Томиринни тирнар кўҳна саволлар,
Юрагимда гуллар ширин хаёллар,
Эй сиз ўзбекбойим, офтобжамоллар,
Мен офтобга алишмаган аёллар.*

*Миллатнинг эртаси, миллатнинг насли,
Сиз атир нафасли, сиз райҳон саси,
Кетмас бўлиб келган баҳорсиз асли,
Мен офтобга алишмаган аёллар.*

*Ўзбакий оҳанг бор қулгуларида,
Дурни талпинтирар ёддуларида,
Ором ороланар туйғуларида,
Мен офтобга алишмаган аёллар.*

*Сизлар борсиз, сўзимизда садо бор,
Сизлар борсиз, ишқ аҳлида гадо бор,
Сизлар борсиз, минг бир дардга даво бор,
Мен офтобга алишмаган аёллар.*

*Офтоб ожиз асли онам олдида,
Бибиҳоним юрагимнинг ёдида,
Сиз яшайсиз Моҳларойим додида,
Мен офтобга алишмаган аёллар.*

*Гул узсам тутгунча қўлим гуллайди,
Мен сизга етгунча йўлим гуллайди,
Пойингизда ўлсам ўлим гуллайди,
Мен офтобга алишмаган аёллар.*

**Баҳор ХОЛБЕКОВА,
шоира, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**